

17-йил чиқиши.
№ 178, (4425).
8
СЕНТЯБРЬ
СЕШАНБА
1970 йил,
Баҳоси 2 тийин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль. 1970 йил 4 сентябрь.

таълимий социалистик экономикасини янада ривожлантириш, меҳнат-кашларнинг турмуш шароитини янада яхшилашнинг таъминлаш, фан ва маданиятни янада кўпроқ яшнатки ҳамда мамлакат мудофасини тобора мустахкамлаш учун партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати кўраётган тadbирлар ҳақида гапирди.

Ўроқ Л. И. Брежнев сўзининг охирида Совет Иттифокнинг халқро аҳволи ва ташқи сиёсатига доир масалаларга батафсил тўхталди ўтди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг нуқти эр ўзтибор билан тингланди, йилгилли қатнашчиларининг қарсақлари билан бир неча бор бўлиниб турди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўроқ Л. И. Брежнев Қирғизистондан жуаиб кетди.

Фрунзе шаҳри аэропоридан ўроқ Л. И. Брежневни Қирғизистон Компартияси Марказий Комитети, Қирғизистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг раҳбарлари узагиб қолдилар.

(ТАСС).

(TACC).



ФАН БЕШИГИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси туфайли шонли Коммунистик партия раҳбарлигида Ўзбекистонда маориф, фан ва маданият иш-ли қурилмаган даражада ри-вожланди. Бу, маълум халқлар халоскори доҳийи В. И. Ле-ниннинг Ўрта Осиё халқлари-нинг тарихий тақдирига катта эътибор берганилиги, Коммуни-стик партия ва Совет ҳукумати-нинг ленинча миллий сиёсатга катъий амал қилаётганлигининг ёрқин намунасидир. Халқимиз-нинг бундай юксак ютуқларга эришишида Ўрта Осиёда бири-чи бўлиб улуғ Ленин даҳоси би-лан ташкил топган ва унинг та-баррук номи билан аталувчи Тошкент Давлат университети-нинг роли жуда катта.

Ленин университетининг ярим асрлик шонли йили Ўрта Осиё, айниқса Ўзбекистон олий таъ-лими, фани, маориф ва мадания-тининг юксалиши билан узвий боғланган. Туркистонда маориф ишларини ташкил этиш ва ўқитувчилар тайёрлаш соҳасида университет олиб борган ишлар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Маълумки, 1918 йил баҳорда Туркистон Халқ Комиссар-лари Советининг қарори билан Туркистонда Маориф Халқ Осиё, маорифни қарамоғида ҳозирги Ленин номи Тошкент Давлат университети «Халқ дорилфуну-ни» ташкил этилди.

Халқ университети биринчи кунлардан бошлаб ўз номига монанд мазмунга эга бўла бош-лади. Университет: олий курс-лар (юқори босқич), ўрта ама-лий ҳунар ўргатувчи курслар (ўрта босқич), мустақил мада-ний маърифат муассасалари (қўйи босқич) ва болаларга таъ-лим-тарбия бериш, катталарга эса савод ўргатиш мактаблари-дан иборат бўлди.

Маҳаллий халқларнинг маъ-рифатпарвар вакиллари уни-верситет ректори А. П. Попов бо-шичилигида катта жонбозлик қў-рсатдилар.

Университетда юқори маала-ли ўқитувчилар, илмий лабора-ториялар йўқ даражада эди. Туркистон граждандар уруши халқимизда қолганлиги сабабли халққа куч урушга қаратилган-ди. Шунинг учун ҳам ёш Тур-кистон республикаси В. И. Ле-нин бошлиқ Марказий ҳукума-дан университетга ердан сўрай-ди. Бунга Владимир Ильич, энг муҳим давлат ишлари ва гражд-андар уруши билан банд бўли-ши бўлиб улуғ Ленин даҳоси би-лан ташкил топган ва унинг та-баррук номи билан аталувчи Тошкент Давлат университети-нинг роли жуда катта.

Ленин университетининг ярим асрлик шонли йили Ўрта Осиё, айниқса Ўзбекистон олий таъ-лими, фани, маориф ва мадания-тининг юксалиши билан узвий боғланган. Туркистонда маориф ишларини ташкил этиш ва ўқитувчилар тайёрлаш соҳасида университет олиб борган ишлар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Маълумки, 1918 йил баҳорда Туркистон Халқ Комиссар-лари Советининг қарори билан Туркистонда Маориф Халқ Осиё, маорифни қарамоғида ҳозирги Ленин номи Тошкент Давлат университети «Халқ дорилфуну-ни» ташкил этилди.

Халқ университети биринчи кунлардан бошлаб ўз номига монанд мазмунга эга бўла бош-лади. Университет: олий курс-лар (юқори босқич), ўрта ама-лий ҳунар ўргатувчи курслар (ўрта босқич), мустақил мада-ний маърифат муассасалари (қўйи босқич) ва болаларга таъ-лим-тарбия бериш, катталарга эса савод ўргатиш мактаблари-дан иборат бўлди.

Маҳаллий халқларнинг маъ-

Доҳийи Владимир Ильич Ленин номидаги Тошкент Дав-лат университети коллектив-и СССР Олий Совети Президиумининг дорилфунуни Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаш ҳақидаги Фармониини эъру қувонч ва маъ-нуният билан қутиб олдилар. Университет олий таълимин, фан ва маданиятини ривожлан-тиришда, юқори маалали мута-хассислар тайёрлашда улкан ютуқларга эришганлиги учун ана шундай юксак ҳукумат му-кофотига сазовор бўлди. Бу қу-вончли Фармонни ўқир экан-миз, университет ўзининг бир-бир куз-ўғимиздан ўтади. Бу ерда ишлаган олимлар сиймо-си едимизда ана бир бор ган-даланади.

...Элик йил муқаддам 1920 йилнинг 19 февралда Москва шаҳрининг Қозон вокзалдан ажойиб бир поезд йўлга равона бўлган эди. 159-ҳарбий санитар поезд деб номланган бу поезд Тошкент шаҳрига доҳийи В. И. Ленин вакиллари—улкан фан мутахассисларини олиб ке-лаётган эди. Улар орасида про-фессор Н. Н. Златовратский, А. П. Родзественский, В. В. Ва-силевский, Н. А. Димо, Р. И. Аббосин, И. И. Маркелов, П. П.

Суратларда: (юқорида) В. И. Ленин номи Тошкент Давлат университети умуий кўри-ниши. (Пастда) университет та-лабалари (чапдан) М. Қўлоше-ва, Ҳ. Умарова, Ш. Иброҳимов, Х. Акбаров ва М. Боймурото-валар лекциядан сўнг.

В. СИРОТКИН, И. ГЛАУБЕРЗОН ВА Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотолари.



БИЛИМ ЧАШМАСИ

Синковский, А. Л. Бродский, И. Г. Белов ва бошқалар бор эди. Улар зиммасига муқаддас бурч—Тошкент шаҳрида би-ринчи халқ дорилфунуни бунёд этишдек катта вазифа юклатил-ган эди.

Поезд қаерда тўхтамасин В. Д. Бонч-Бруевичнинг телеграм-маси унга ҳамроҳ бўлди. Бу те-леграммада «159-санпоезд бир дақиқа ҳам ушланмасдан, худ-лик билан Тошкентга жўнатила-син» дейилган эди.

Элик кундан кундан сўнг «Ле-нин поезди» Тошкент шаҳрига етиб келди. Бу кун 1920 йил, 10 апрель кундуз соат 4 эди.

— Билларим,— деб эслайди И. А. Райкова,— жуда кўп ки-шилар қутиб олишди. Қутиб олувчилар шунчалик кўп эди-ки, уларнинг ҳаммасини эслаб қолш қийин эди. Тошкентдаги ҳамкасбаларимиз бизлар ҳақи-мида дарҳол самийи раҳмюр-лик кўрсатишди.

«Ленин поезди»дан сўнг Тош-кентга ана тўрт марта Москва-

ва амалий жиҳатдан тўғри ҳал этиш зарур эди. Бу проблема-ларини ҳал қилишда Тошкент Давлат университети жуда кат-та роль ўйнади.

Университетнинг педагогика соҳасида махсус педагогика ва психология илмий-тектириш институтини ҳамда педагогика ил-мий жамиятининг ишлари диқ-қатга сазовордир. Бу муассаса-лар олий ўқув юртида юқори маалали педагогик кадрларни етиштириш билан бирга мактаб-ларга методика ва практикадан йўналган ердан бериб турди, муҳим педагогик проблемалар устида илмий ишлар олиб борди.

В. И. Лениннинг 1920 йилда-ги Тошкентта университет таш-кил қилиш ҳақидаги декрети та-рихий ҳужжат бўлиб, у «Халқ дорилфунуни»ни Ўрта Осиё энг ийрик фан, маданият, маърифат, олий таълим, педагогика ва илмий-методик марказига ай-лантирди.

Улуғ доҳийи В. И. Ленин билан аталаётган Тошкент Давлат университети фақат Ўзбекистон-да эмас, балки Ўрта Осиё ва Қо-зогистон халқлари орасида олий таълимни амалга ошириш, фан ва маданиятни амалга ошириш-да муҳим роль ўйнади. Атоқ-ли ўзбек олим, Ленин мукофо-тининг лауреати Х. Абдуллоев айтганидек: «Буюк инқилоб ва Ленин даҳоси билан бунёд бўлган университет туфайли оламшумул тарихий шўҳрат қо-зонган ўзбек халқининг улуғ фарзандлари — Беруний ва Улуғбеклар кўтарган илм-фан тафаккурининг ўчган машъали қайта тикланади».

С. ХОЛБОВЕВ, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат универси-тети асосий кутубхона-си директорининг ўрин-босари.

Уштан йиллар мобайнида рес-публикада фан ва мадания-тининг ривожлантиришда ўзининг ажойиб хисасини қўшди. Иш-лаб чиқариш воситаларини ри-вожлантириш, улка бойликлари-ни ўллатириш, Ўрта Осиё халқлар тарихини, маданияти-ни ўрганишда муҳим роль ўйна-ди.

Университет кейинги йилда янги ўқув корпусига қу-чиб ўтди. Ойна, бетон ва пўла-дан иланган бу мухтасар би-нолар ҳозирги замон талаблари асосида бунёд этилган. Уни-верситет шаҳарчаси марказида са-лобат тўкиб Владимир Ильич Ленин ҳайкали турибди. Олим-ларимиз университет бунёд-кори, Ўрта Осиёдаги фан машъаласини ёққан доҳий-миз В. И. Ленин олдиндан ҳар кун, ҳар соатда ўтар экан-лар, унга эришяётган улкан за-фарлари ҳақида ҳисобот бе-радилар.

Қадрдон Владимир Ильич ол-га қўл чўзиб фан ва мадания-тининг ривожлантиришда юлчи юлдуз каби нурафшон этиб ту-рибди.

Р. УМАРОВ.

ЛЕНИН ЕЎҚАН ФАН МАШЪАЛИ

ТОШДУГА

(В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ДОРИЛФУНУНИМИЗНИНГ 50 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕИГА БАҒИШЛАЙМАН)

Минг-минг фарзандларга насасан. ТошДУ, Фарзандларинг гўё сочилаган юлдуз. Тошкентим гул бўлса — раъносан. ТошДУ Тошкентим бағрида отгансан илдин. Қад кериб турибсан мағрур мардона, Қўёшга етгудай муаззам бошинг. Сен ўзинг эмасин, нурли қошона. Қутлуғ бўлсин бу кун муборак ёшинг. Жўшқин ҳаёт базми аримас сендан. Ҳар қадамда шодлик дўстлик гурунги. Ярим аср ёшини ўтадинг чиндан — Буюк таънаминг сента, — бутунги. Сендан қанот олур ўз парвозига Ерқин уфқларини кўзлаган инсон. Лойқиндир ҳурматга, юрт эъзозига Ҳар ерда илмдан сўзлаган инсон. Қанча-қанча Ойбек, қанча Обидлар. Сенда таълим олиб, тонди шарафшон. Қанча мавлонолар — аҳли собитлар. Ҳа умринг меҳрингла этди нурафшон.

Илму толибимман мен ҳам бу кунда. Илминга, меҳринга ташна бир ўғлон. Минг-минглаб оташқаб йиғит-қиз, бунда Илм дег туғу кун уради жавлон. Сени она дейди ҳар йиғит-қизинг. Онани улуғлаш фарзандлар ҳақиқ. Мангу маърифатга маскансан ўзинг. Сен-ла, фахр этар дйёрим-халқим! Қўйингда устозлар — аҳли дошшлар. Ешларга мураббий, ғамхўр саналур. Кўрсатиб ҳақ йўлни, қўнғилин хушлар. — Устодлар меҳнатин ҳар ким дан олур. Орденинг муборак ай улуғ даргоҳ, Кўксингни тўлдирган илм энеси. Умринг қўёш каби мангу барқарор. Сени йўртаклаган Ленин имзоси!

Абдулла ТУРДИЕВ, ТошДУ студенти.

УНИВЕРСИТЕТ ТЕНГДОШИ

Ўрта Осиёдаги тўнғич илм-фан даргоҳи ташкил топган дастлабки кундан бу ерда умуий геология кафедраси ҳам иш бошлаган эди. Дастлаб университет ҳузурида ўрта умуий геология кафедраси иш олиб борди. Шу кафедра-лардан бирига атоқли олим В. Г. Мухин мудирлик қилган эди.

Ўртоқ В. Г. Мухин ўз эса-дларининг бирида: «Ўзбекиш ишларини олиб бориш учун 1920—1921 ўқув йилида ик-кита геология кафедраси «Умуий геология ва гидроло-гия» ҳамда «Тарихий геология ва палеонтология» кафе-драсига мунасар бўлди. Би-ринчиси А. М. Кузьмичский раҳбарлик қилди; иккинчиси эса ўзим» деб ёзган эди. Ора-дан тўрт йил ўтгач, А. М. Кузьмичский Пошшага не-танганлиги сабабли кафедрага профессор О. К. Ланге мудир қилиб тайинланди. У 1930

йилгача кафедрага раҳбарлик қилди.

Профессор В. Г. Мухин ва кафедра ходимлари актив иш-тирокида 1928 йилда Тош-кентда Бутуниттифоқ геология съезди ўтказилди.

Маълумки, университет до-ирасидан бир нечта мустақил институтлар ажралиб чиқди. Шу муносабат билан уни-верситетдаги геология мутах-сислиги тўтаилди. Ленин 1935 йилда факультетда қайтадан умуий геология кафедраси ташкил этилди. Кафедрани атоқли олим, профессор А. С. Укловский бошчилик қилди.

«Ленин поезди»да Тошкентга йўл олган профессорлар ора-сида Укловский ҳам бор эди. У ўзининг бутун билими ва тажрибасини ишга солди. Уни-верситетда геология фанини ўқитиш ва уни амалиёт билан боғлашда профессорнинг хиз-матлари катта бўлди. У, уму-ман Ўзбекистонда геология



фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшди. Профессор жу-да кўплаб муносиб шоғирлар тайёрлади. Атоқли ўзбек геол-ог олим, Ленин мукофоти-нинг лауреати академик Х. Абдуллоев, академик Г. Мав-лонов, профессорлар Х. Бой-мухамедов ва Н. Ҳамробоев каби таниқли геолог олимлар унинг бой билими ва тажриба-сини баҳраманд бўлишган эди.

Атоқли геолог олим Алек-сандр Сергеевич сув биохим-ияси, ер қатламидagi мине-ралларнинг янги классифика-цияси тўғрисидаги назарияни ишлаб чиқди.

Шу тариқа геология кафе-драси ривожлана борди. Ай-ниқса, кейинги йилларда унинг фаолият доираси жуда кенга-йиб кетди. Бу ерда олиб бори-лаётган машғулотлар геоло-гиянинг асосий проблемалари бўйича ташкил этилмоқда.

Кафедрани методик ишлар ҳам намунали йўлга қўйилган. Кафедрани аъзоларининг бир неча дарслик ва китоблари босилиб чиқди. «Умуий геоло-гия» курсидан ўтказилади-ган лаборатория машғулотлари учун қўланма», «Умуий геоло-гия», «Геология— геогра-фия» факультетининг сирдан ўқийдиган студентлари учун умуий ва тарихий геология, контроль ишлар учун методик қўланма» ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Эндиликда йирик илмий марказга айлانган кафедрада атоқли олим О. Исломов бош-чилигида кўнгина илмий проб-лемалар муваффақиятли ҳал қилинмоқда. Профессор О. Ис-ломов планетар геология со-ҳасида самарали ижодий иш олиб борди. У ана шу мавзуда геология проблемаларига ба-ғишланиб ўтказилган Бутун-иттифоқ кенгашида ва Тош-кентда қаъриланган СССР Фа-нлар академиясининг ер бўли-ми сессиясида докладлар би-лан чиқди.

Кафедрани олимлари Ўрта Осиёдаги йирик фан ўчоғи— Тошкент Давлат университети-нинг шонли 50 йиллигига му-носиб армуғонлар ҳозирлаш-моқда. Шу ўтган ярим аср мобайнида тўпланган илмий тажрибалар ва хулосалар улар илмий ишларида ўз аксини то-пади.

А. ОБИДОВ, профессор.

